ХАБАР

خبر

Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган • 1996 йил, 20 сентябрь № 37 (214) • Сотувда нархи эркин

ТАҚДИМОТ — АНЖУМАН

Тошкент электротехника Алоқа институтида Италтел компанияси иштирокида телефон алоқасининг уяли тизимига бағишланган тақдимот-анжуман бўлиб ўтди. Анжуманда уяли алоқа учун Италтел фирмаси томонидан ишлаб чиқарилган GSM русумидаги замонавий алоқа жиҳозларининг ишлаш тамойиллари тўғрисида гап борди.

Тақдимотда Республика Алоқа вазирлигидан, кўпгина алоқа корхоналаридан вакиллар ҳамда Италтел компаниясининг бир гуруҳ мутахассис ходимлари иштирок этишди.

Мазкур фирма мутахассислари институт талабалари ва аспирантларини қизиқтирган саволларга жавоб беришди.

Солиҳ ЗОИР



Гулистон шаҳар электралоқа боғламаси муҳандиси Лота НАМ ва муҳандис Рустам АБДУМАТОВлар янги DTS-2000 русумидаги АТСнинг бошқарув пултида иш жараёнларини кўздан кечиришмоқда.

Суратказ Т.ЛУТФУЛЛАЕВ

ҚУЛАЙЛИК ЯРАТИЛДИ

Қорақалпоғистон Республикасида жойлашган Ғишт заводи даҳасидаги 5-АТС мижозлари 3-ШАТС-шаҳарлараро автомат телефон станцияси хизматидан фойдаланиш имкониятига эга бўлишди. Эндиликда мижозлар уйдан чиқмай туриб МДҲ мамлакатлари билан бемалол боғлана олишлари мумкин. 5-АТС ва 3-шаҳарлараро автомат телефон станциялари оралиғига шиша толали кабель ётқизилиб, сифатли алоқани таъминлайдиган ИКМ-30 қурилмаси ўрнатилди.

Мижозларга ушбу қулайликларни яратишда Ж.Сейитова бошчилигидаги оилавий пудрат қурилиш бригадаси аъзолари жонбозлик кўрсатишди. Бригада аъзолари пайвандлаш ишларидан тортиб мазкур алоқа тармоғини фойдаланишга топширишгача бўлган барча ишларни тўлиқ ўз кучлари билан амалга оширдилар.

Қ.ТЎЛЕГЕНОВ,
жамоатчи мухбиримиз

АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!
ШУ ЙИЛНИНГ 25 СЕНТЯБРИДАН РЕСПУБЛИКА МАТБУОТ НАШРЛАРИГА ОБУНА ҚИЛИШ БОШЛАНАДИ.

Алоқа хизматидаги муаммолар, янгилик ва ўзгаришлар, соҳанинг заҳматкаш фидойилари, ижтимоий-сиёсий воқеалар, маънавият олами, боқий қадриятлар тўғрисида мунтазам ўқиб бориш ҳамда ҳафталик теледастур билан танишишни истасангиз, «ХАБАР» газетасига обуна бўлишни унутманг!

ОБУНА БАҲОСИ:

ЯККА ТАРТИБДАГИ ОБУНАЧИЛАР УЧУН:
1 ойга 28 сўм, 6 ойга 168 сўм, 12 ойга 336 сўм.
ТАШКИЛОТ ВА КОРХОНАЛАР УЧУН:
1 ойга 39 сўм, 6 ойга 234 сўм, 12 ойга 468 сўм.
НАШР КЎРСАТКИЧИ: 64600.

ЭСЛАТМА: Республика вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасининг почта алоқа корхоналари обуна нашрларини етказиб бериш хизмат ҳақларини ўзлари мустақил белгилашади.

ОЛАМДА НИМА ГАП?

• Янгиликлар • Воқеалар • Хабарлар

• Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Андижон вилоятида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, хусусан, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш борасидаги ишлар билан танишиш мақсадида бу ерга келди.

• **«Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида» ва «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари амалга киритилди.**

• Пекин шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» китобининг тақдимномаси бўлиб ўтди.

• **Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази бошқаруви ҳайъатининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Президент Фармони асосида маънавиятни, неча минг йиллик урф-одатларимиз ва анъаналаримизни тиклаш ва ривожлантириш, уларни кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб этиш масалалари муҳокама қилинди.**

• «Ўзбекэкспо» марказида «Ипак йўли бўйлаб туризм» дастури доирасида иккинчи халқаро саёҳат ярмаркаси тантанали равишда очилди.

• **Грузия таркибида бўлган Осетия ҳам ўз президентини сайлашга қарор қилди.**

• Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев Бокуга келди.

• **Россия Президенти Борис Ельцин юрагини операция қилишга тайёргарлик кўриш мақсадида Москвадаги клиникалардан бирига даво муолажаларини олиш учун ётқизилди.**

• Пекинда 134 мамлакат аъзо бўлган Парламентлараро Иттифоқнинг 96-конференцияси очилди. Унинг ишида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси раисининг ўринбосари А.Қосимов бошчилигидаги мамлакатимиз парламент делегацияси ҳам иштирок этмоқда.

• **Гонконгни келгуси йилда ХХР таркибига ўтиши мўлжалланган.**

• Будапешт шаҳридаги йирик туғруқхона эшиги ёнига доимо янги туғилган чақалоқларни кўплаб ташлаб кетишар эди. Врачлар бундай чақалоқларни шамоллашдан, турли юқумли касалликлардан асраш мақсадида туғруқхона эшиги ёнига инкубатор ўрнатишди.

• **АҚШда президентлик учун сайловолди кураши кун сайин авж олмоқда. «Дэйли Телеграф»нинг ёзишича, республикачилар партиясидан номзод Боб Доул ўзининг кейинги 50 йил ичидаги касалликлар тарихини эълон қилган. Ва у Билл Клинтонни ҳам худди шундай қилишга чақирмоқда. Оқ уй маъмурияти эса ҳозирча бундай қадамдан тийилиб турибди.**

• *Фахрийлар — фахримиз*

ЖАҲОНШОБОБО

Боку шаҳридан келган мактуб Жаҳоншобобони шод этди. Чунки Ноила танлаган касби бўйича эришган катта муваффақияти ҳақида ёзган эди:

«Бунда сизнинг ҳиссангиз бор, отажон. Мен ҳам алоқа ходими бўламан деганимда розилик берганингиз ёдингиздадир...».

Ноиланинг дилномалари Жаҳоншо Авязовга бундан бир неча йил илгариги оилавий воқеани эслатди. Ўшанда тўнгич фарзанди ота изидан бориш истагида эканлигини айтганди. Қизига дарҳол рўйхушлик бермагани ҳам рост. Чунки алоқа тармоғида ишлашнинг осон эмаслигини у яхши англарди. Интилганга толе ёр деганларидек, Ноилахон Алоқа институтини имтиёзли диплом билан тамомлаб, танлаган касбида меҳнат қилиб келмоқда. Айни пайтда эса Бокудаги шаҳарлараро алоқа станциясида етакчи мутахассис.

...Жаҳоншо Авязов қирқинчи йилларда кўплаб кўнгилли-лар қатори ватан ҳимоясига отланди. Фронт халқасида мардона тобланиб қайтгач, тикланиш йиллари ташвишларини тугатишга ўз улушини қўшди. Шўрчи туманида алоқа хизматини янги поғонага кўтаришга ҳаракат қилди. У 1965 йили туман алоқа бўлими раҳбари сифатида иш бошлаган эди. Кейинги 21 йилда Шўрчи шаҳри ва қишлоқларини телефонлаштириш ҳамда радиолаштиришда катта қадам ташланди. Агар 60-йиллар бошида туман аҳолисига 200 рақамли телефон станцияси ва бор-йўғи 600 та радионуқта хизмат кўрсатиб турган бўлса, 1986 йилга келиб, шаҳар ҳамда қишлоқ телефон станцияси 3100 рақамга етказилди. Шаҳарлараро гаплашув каналлари бир нечтага кўпайди. Бу аввалгига нисбатан 54 тага кўп демакдир. Шўрчида радионуқталар сони 11 мингтага етказилди. Энг муҳими Ж. Авязовнинг фаол ҳаракати ва ташкилотчилиги туфайли шўрчилик алоқачилар замонавий техникалар билан жиҳозланган 3 қаватли бинога эга бўлишди.

Етмиш ёшли Жаҳоншобобо фарзандлари камолидан мамнун. Агар Ноила Боку шаҳрида бўлса, Альфия Тошкент шаҳридаги қурилиш трестида меҳнат қилмоқда. Опа-сингил Руслия билан Зулфия шифокорлик касбини эгаллашган.

Жаҳоншо Авязов нафақат фарзандлари, балки шогирдлари иқболидан ҳам мамнун. Ҳозир ўринбосарларидан тўрт нафари Олтинсой, Қумқўрғон, Бандихон ва Шўрчи туманларидаги электралоқа боғламаларини бошқаришяпти. Нафақа ёшида бўлишига қарамасдан шогирдлари билан тез-тез учрашиб туради. Уларнинг ютуқларидан севинади, маслаҳатларини дариғ тутмайди.

Яқинда шўрчиликлар уруш ва меҳнат фахрийси, алоқа соҳасига анча-мунча хизмати сингган инсон Жаҳоншо Авязов таваллудининг 70 йиллигини самимий нишонлашди. Табаррук тўйда қатнашганлар Жаҳоншобобонинг ажойиб фазилатлари ва эл-юрт ободлиги йўлидаги фидойилиги ҳақида тўлқинланиб гапирдилар.

Н. ЗИЁЕВ,
Сурхондарё вилояти



Қибрай тумани электралоқа боғламаси муҳандиси Гулам ТУРСУНҚУЛОВА ва электромонтёр Зарема АМЕТОВАлар учун бажарилган ишларни ҳар куни таҳлил қилиб бориш одатий ҳолга айланган.

Суратқаш Т.ЛУТФУЛЛАЕВ

АЛЛО, ОЛТИНЧИ ЭШИТАДИ...

Зубайрахон опанинг Уйчи тумани электралоқа боғламасига ишга келганига ҳам 22 йил бўлибди. Ана шу давр ичида опа касб маҳоратини оширди, элга хизмат кўрсатишдек савобли ишда ўзини кўрсата билди.

Алоқа бўлимининг шаҳарлараро сўзлашув маркази — «07» хизматига иши тушмайдиган одамнинг ўзи йўқ. Зубайрахон опани излаб, коммутатор хонасига кирганимда уни иш жараёни устида учратдим.

— Ҳали-ҳали боғламага янги ишга келганимдаги илк ҳаяжонлар ёдимда, — дея эслайди Зубайрахон Позилова. — Тез кунда штепсел, автомат, ключ, гарнитур каби менга ёт бўлган сўзлар доимий ҳамроҳимга айланди. Мижозларнинг асосий қисмига рус тилида жавоб қайтаришга тўғри келарди. Аввалига жуда қўрқдим. Чунки ҳозиржавоб бўлмасангиз, кўриб турганингиздек буюртмалар кўпайиб кетиб, шошириб қўяди. Бизга қўнғироқ қилаётган кишилар фақат ўзларинигина ўйлашади. Ваҳоланки, бир пайтнинг ўзида 4-5 нафар мижозга жавоб беришимиз, буюртма олишимиз ва белгиланган вақтда уларни бажаришимиз керак. Баъзан оддий сўровларга ҳам жавоб қайтаришга тўғри келади...

Зубайрахон опанинг боғламада иш бошлаганига асосий сабабчи корхонанинг ўша пайтдаги раҳбари Тўхтахон опа Қодирова бўлган экан. У ўрта мактабни битиргач, тўғри шу ерга ишга келиб, касб сирларини ўрганди. Бу борада унга фахрий алоқачи Катихон Каримова ҳамда Тўхтахон Умрзоқовалар яқиндан ёрдам беришди.

Қаҳрамонимиз — Зубайрахон опа хонадонида ажойиб бека, меҳрибон она. Турмуш ўртоғи Нўъмонжон ака билан тўрт нафар фарзандни камолга етказишяпти.

«Алло, олтинчи эшитади...»

Агар сиз Уйчи туман электралоқа боғламасининг «07» хизматига қўнғироқ қилганингизда шу сўзларни эшитсангиз, иккиланмай буюртма бераверинг. Бу — ўз касбининг устаси Зубайрахон опа Позиловадир.

М. ҚАМБАРОВ,
Наманган вилояти

ҚИШКИ МАВСУМГА ТАЙЁРГАРЛИК

Жиззах вилояти давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхоналарида қишки мавсумга пухта тайёргарлик кўрилмоқда. Барча ер ости ва ер усти кабелларининг ҳолати ўрганилмоқда. Участка мутасаддиларининг тавсиясига кўра капитал ва жорий таъмирлаш ишлари сифатли амалга ошириляпти.

Шунингдек, ҳамма шаҳар ва туманлардаги мавжуд телефон қутилари жорий таъмирдан чиқарилди. Қишки мавсумга яхши ҳозирлик кўриш ҳамда мутасадди мутахассисларнинг иш тажрибасини ўрганиш мақсадида телефон қутиларининг ҳолати, фаолиятини янада яхшилашга қаратилган кўрик-танловлар ўтказилмоқда. Бу тадбирларнинг самараси сезиларли бўлаётир.

А.ЖЎРАЕВ,
Жиззах вилояти

Республика радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение ишлаб чиқариш бирлашмасининг Тошкент радиомаркази раҳбарияти ва касаба уюшма аъзолари қабул қилиш радиостанцияси бошлиғи А.С. Зоитовга онаси

Турсуной ИЛЁСОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Хабар» газетаси жамоаси журналист Сафар Остоновга укаси Йўлдош ОСТОНОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Бундан қарийб 20 йил олдин Навоий цемент заводи билан бир вақтда ишга тушган телефон алоқаси цехи ўтган давр мобайнида ўз фаолиятини кенгайтириб борди. Бугунги кунга келиб мазкур цехда 500 абонентга хизмат кўрсатувчи автомат телефон станцияси ишламоқда. Саккиз кишидан иборат жамоамизнинг асосий қисмини кўп йиллардан буён ишлаб келаётган тажрибали ишчи ва мутахассислар ташкил этади. Жумладан, станция навбатчилари Ирина Ахвлиддиани ва Любовь Кодомскаялар 20 йилдан, электромонтёрлар гуруҳининг бригадири Маҳмуд Хўжаев эса 16 йилдан буён ўз вазифасини сидқидилдан бажариб келишмоқда. Владимир Кузнецов, Алексей Карташов сингари ёш ходимларимиз ҳам топшириқларни ўз вақтида уддалашмоқда.

Корхона бошқаруви биносидаги хоналар ҳамда ишлаб чиқариш бўлинма ва участкаларига ўрнатилган энг замонавий телефон ускуналари орқали республикамиз ва ундан ташқаридаги ҳудудлар билан бир зумда алоқа ўрнатиш мумкин.

«Навоийцемент» ҳиссадорлик жамиятининг маъмурияти мазкур корхона негизидаги телефон алоқаси цехига доимо жиддий эътибор бериб келаётир. Ҳиссадорлик жамияти муаммоларимизни бартараф этишда яқиндай амалий ёрдам кўрсатмоқда.


Шу кунларда цехимизга 1000 рақамга эга бўлган янги автоматик телефон станцияси ўрнатилмоқда. Унинг ярмидан кўпроқ қисмида пайвандлаш ва созлаш ишлари тугалланди. Келгусида корхонамизнинг телефон алоқаси янада яхшиланади ва иш унумдорлиги ошади деб ўйлайман.

НАДЕЖДА РУКАВИШНИКОВА,
«Навоийцемент» ҳиссадорлик жамиятининг телефон алоқаси цехи бошлиғи,
Навоий вилояти

ИШ УНУМДОРЛИГИ ТЕЛЕФОНГА БОҒЛИҚ

ҚУТЛОВ

Қашқадарё вилояти давлат почта алоқа корхонасининг бошлиғи Боймурот Тўлаевнинг таваллуд топган кунига 60 йил, меҳнат фаолияти бошланганига 40 йил тўлди.



Алоқа вазирлигининг «Моҳир алоқачи» фахрий унвони нишондори, ўз касбининг устаси Боймурот ака ҳамкасблари орасида меҳнатсеварлиги, заҳматкашлиги билан ажралиб туради.

У меҳнат фаолиятини 1957 йили Қарши алоқа корхонасида оддий ишчиликдан бошлади. Кўп ўтмай Тошкент алоқа политехникумига (ҳозирги Тошкент Алоқа коллежи) ўқишга кириб, уни 1959 йили муваффақиятли тугатди. 1963 йилга қадар армия сафида хизмат қилди. Қарши шаҳар алоқа боғламасида алоқа бўлими бошлиги, йўриқчи, муҳандис, почта бўлими бошлиги, шаҳар алоқа бўлимида бошлиқ муовини, бошлиқ бўлиб ишлади ва 1992 йилдан ҳозирги кунга қадар вилоят давлат почта алоқа корхонасининг бошлиғи вазифасида самарали меҳнат қилиб келмоқда. Унинг бевосита раҳбарлигида вилоят почта алоқа соҳасида ижобий ўзгаришлар рўй берди: хизмат турлари кўпайтирилди, иш сифатида анча ўзгаришлар бўлди, ходимлар турмуш даражасини ошириш борасида ҳам бирмунча ишлар олиб борилди.

Бугунги кунда корхонанинг иш самарадорлиги кўрсаткичи 31 фоизга кўтарилди. Боймурот аканинг ташаббуси билан 1993 йилдан бошлаб ёрдамчи хўжаликлар ташкил қилиниб, мева ва сабзавот маҳсулотлари етиштирилди, корхона ходимларининг ижтимоий аҳволини яхшилаш борасида кўпгина ижобий ишлар амалга оширилди. Боймурот ака ходимларга меҳрибонлиги, жонкуярлиги билан вилоят алоқачиларининг ҳурматига сазовор бўлиб келмоқда.

Ҳурматли Боймурот ака, қутлуғ 60 ёшингиз билан астойдил муборакбод этамиз. Ҳамкасбларингиз, барча дўсту биродарларингиз даврасида азизу мукаррам бўлиб юришингизни ният қиламиз. Доимо сиҳат-саломат бўлинг!

ҲАМКАСБЛАРИНГИЗ

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

ҲУРМАТЛИ МИШАЭЛ ГАВРИЛОВИЧ КАЛЕНДАРЕВ!



Сизни қутлуғ 50 ёшингиз билан самимий табриклаймиз ҳамда бахт-саодат, сиҳат-саломатлик ва узоқ умр тилаймиз.

2-сон Қўқон шаҳарлараро алоқа ва телевидение техник тармоғи жамоаси ва касаба уюшма қўмитаси

Дадахон НУРИЙ

ФАХРИЙЛАР БАТАЛЬОНИ

Ҳар қандай жиддий ёзувчида ҳам ҳазил-мутойибага мойиллик бўлади. Тили кескир, «аччиқ» Абдулла Қаҳҳорнинг ичак узди ҳажвиялари, «Ён дафтар ёзувлари»ни ўқиб ким завқланмаган?

Ёзувчи Дадахон Нурий устоз адибнинг эътиборига тушиб, унинг адабий мактабида сабоқ олган. Устоздан «юқкан» шекилли, ўзи ҳам «Хумсондан чиққан подшо» деган ҳаётий ҳангомалар китобини қоралаб қўйди.

Эътиборингизга ана шу мажмуанинг «Наманган ҳангомалари» бўлимидан бир парчани ҳавола этаётирмиз.

Укаларим Самихон, Сидиқжонлар Раҳимберди тоғамни роса «қиздириб» қўйишибди: «Хабарингиз бўлдими, Ҳамидхон акамнинг пенсиялари икки баробарга ошибди. Горисполком (Воқеа тургунлик йилларида бўлган-Д.Н) навбатсиз квартира бераётганмиш. Яна, дала ҳовли деб томорқа олишга ҳам ариза берибдилар. Чунки акамлар ёрдамида Уруш қатнашчиси деган ҳужжат тўғрилаб олибдилар. У кишини бу ерда ҳамма танийди, бир оғиз гаплари-гап! Тошкентдан келганларида Сизам илтимос қилиб кўринг! Яна, ўзингиз биласиз-у, ҳозир замон шунақа бўлиб кетган-да!»

Тоғам сен тирранчалар (уларнинг ҳар бирини ўртадан боласи бор!) яна алдаётган бўлсанг, адабларингни бераман, ўзларингга маълум-а, ҳамманги «думинг ҳўл» дебдилар-да, Ҳамидхон акамизникига йўл олибдилар. «Шу гаплар тўғрими, ҳожим?» деб ўсмоқчилаб сўрабдилар.

Ўта камгап, жиддий, номозхон акахонимиз «Ҳа, энди шундоқ бўлди, барака топсин, тўғрилаб берди, яна ҳаммага айтиб юрманг, Раҳимбой» дебдилар.

Шу суҳбат устида чой қуйиб ўтирган жияним Ҳакимжон ҳам бўш келмабди:

— Тоға, армияда бўлганмисиз? Бўлгансиз! Ўша уруш бўлган жойларда кирза этик, «чувара» дўппиларни кийиб хизмат қилганмисиз? Қилгансиз! Ҳа, энди шундай бўлгандан кейин беш-олти йилни сал олдинга сурилса-олам гулистон! «Армия» ўрнига «Фронт» деб ёзиб қўяркан холос...Томорқа навбатсиз берилади, Зиёвиддин олдида ҳам тилингиз узун бўлади.

Айниқса томорқани «навбатсиз» берилиши тоғамни астойдил қизиқтириб қўйган шекилли, Тошкентга қўнғироқ қилдилар:

— Тезроқ кел, жиян. Зарур иш чиқиб қолди. Колхоз далага чигит экиб юбормасдан ҳал қилиб олишимиз керак.

...Мен тоғамнинг олдига бориб, бунинг иложи йўқ, ахир уруш йиллари 15-16 ёшларда бўлганиз-ку, деб шунча тушунтирмоқчи бўламан, қани энди гапни уқсалар. «Эллигинчи йили фрўнтда бўлганман. Ўша идорадагиларнинг беш йилни сал олдинга суриб берса, асакаси кетадими! Бир оғиз гапинг. Зиёвиддин ҳам бўлмайдиган ишнинг ўзи йўқ, у ёғини тўғрилайверинг, кейин алоқида гаплашамиз деди...Ҳой, менга қара, ўша Сидиқвой айтаётган «подход» қилиш бўлса, бизнинг қўлдан ҳам келади!

— Анаву бошқа гап! Шуни аввалроқ айтганингизда иш аллақачон «пишган» бўларди, — деди Сидиқжон худди шуни кутиб тургандай, сўнг қўшиб қўйди, — Селсоветам айтибдику, дунёда бўлмайдиган ишнинг ўзи йўқ деб. Энди акам бўлдирадилар-да, —дея мен томонга маъноли қараб қўйди.

Бу гапдан тоғам эриб кетдилар:

— Бормисан жиян, мана калит, шу тошкалининг машинасига ертўладан бир яшик анор олиб чиқиб, солиб қўй!

«Ноилож» қўймадингиз-қўймадингиз-да дея тоғамга ўгирилиб, огоҳлантирдим:

— Лекин бу масалада Зиёвиддин билан маслаҳатлашишга тўғри келади.

— У билан ўзим гаплашаман. Сен «юқоридан» келавер, — дедилар.

Зиёвиддин:

— Ҳаммаларингни «думинг ҳўл» деб кун бермайдилар. Энди шу тоғани бир боплайлик, — деди мен билан хайрлашаркан.

Орадан бироз вақт ўтгач, Раҳимберди тоғамни қишлоқ шўроси идорасига чақиртиришибди. Зиёвиддиннинг ёнида эгнидаги кийими-ю, ялтур-юлтур погонларидан туя ҳуркийдиган, малла сочли, қора кўзойнак тақкан ҳарбий киши ўтирганмиш. У нуқул ўрисча гапирармишда, тоғамнинг қўлларини сиқиб ҳам қўярмиш.

Зиёвиддин тушунтирибди:

— Ўртоқ генерал Сизни фахрийлик унвони билан табриклаяптилар. Спасиба деб чест бериб қўйинг!

— Испасиба, — дебдилар тоғам қўлларини қовуштириб.

«Генерал» энди овозини баландлатиброқ сўзни давом эттирибди. Зиёвиддин «таржима» қипти:

— Сизга ўхшаш жисмонан тетик «фахрийлар»дан «Афғон»га юбориш учун «Интернационал батальон» тузиляпти. Ўша томонларни бир айланиб келасизлар. Шундай буйруқ бўпти, юқоридан.

«Афғон» сўзини эшитиб тоғамнинг ранглари қув ўчиб кетибди. Бу қанақаси бўлди, Зиёвиддин ука, ахир тушунтирсангчи, ўзим аранг инқиллаб юрибман, бел оғрийди, оёқ зирқирайди, бу ерга аранг келдим...иннайкейин томорқа бермасанг ҳам майлига, деган эканлар, Зиёвиддин ҳам томорқани қўятуринг-у, биласиз-ҳарбийлар ишига аралашишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ, дея ўзини четга олибди.

Сўнг тасалли бергандай «жангга» кирмассизлар, ёшларга насиҳат қилиб юрсаларингиз керак, ахир номи ҳам «Фахрийлар батальони» эканку...

Ўша яқин ярим кечада телефон жиринглаб, тоғамнинг бироз ҳаяжонли овозлари эшитилди:

— Жиян, хайрият, Тошкентда экансан. Тезроқ келиб кетмасанг бўлмайди. Мен бир мингтўққиз юз ўттизинчи йилда туғилганман. Бошпуртда ҳам шундай деб ёзиб қўйибди. Пуронт-муронт нималигини билмайман. Ўзинг анавуларингга айтиб қўй. Тезроқ етиб кел.

Мен ҳазилнинг таги зилга айланиб, иш анчагина жиддий тус олиб кетганини англадим ва тоғамга бор гапни айтдим:

— Ўша Сизни«Фахрий»ликка ундаган «тирранчалар»га оз-моз «подход» қилсангиз, ҳаммаси тўғриланиб кетади. Мен уларга тайинлаб қўяман. Наҳаримда, ўша Сизга ўрисча гапирган ҳарбий кишини танимаганга ўхшайсиз. Ахир у бундан уч йил бурун Сиздан анор кўчатлари олиб кетган шоир Ўринбой[1] ака-ку! Улар Сизни бир синаб кўрмоқчи бўлишибди-да!

Тоғамнинг анча суст эшитилган овозлари кўтарилиб, равон жаранглай бошлади:

—Ўша Зиёвиддинингни ҳам, Самиш-у Сидиқ тирранчаларни ҳам яхши биламан-ҳаммасининг «думи ҳўл!» Келганингда айтиб бераман. Бир ёзиб газетга чиқарасан.

Мен тоғамнинг кўнгилларини кўтардим:

— Албатта ёзаман!

[1]Ўринбой ҚЎЛДОШЕВ — Болалар шоири, бир нечта китоблари чиққан. Ўша пайтда Поп тумани ҳарбий комиссариати бошлиғи, ҳозир Вилоят ҳокимлигининг Мудофаа ишлари бўйича бўлими бошлиғининг ўринбосари.

АМИР ТЕМУР ЎГИТЛАРИ

Подшолик ишларини тамоман бошқага топшириб, эркни унга бериб қўймасинким, дунё хиёнатчи хотин сингари, унинг хуштори кўпдир. Агар шундай қилар экан, ўзганинг нафси тез орада подшоҳ бўлишни тилаб, салтанат тахтини ўзи эгаллашга киришади.

х х х

Подшо салтанат ишларида ҳар кимнинг сўзини эшитсин, ҳар кимдан фикр олсин. Қайси бири фойдалироқ бўлса, уни кўнгил хазинасида сақлаб, вақтида ишлатсин.

х х х

Вазирлар, амирлар биров кимса ҳақида яхши-ёмон сўз қилар эканлар, (подшо) эшитсин. Лекин уни амалга оширишда бутун ҳақиқат аён бўлмагунича шошмай, мулоҳаза билан иш тутсин.

х х х

Қайси ҳоким ҳукмининг таъсири чўп ва калтаклаш таъсиридан камроқ бўлса, ундай ҳоким ҳукумат юргизишга яроқсиздир.

х х х

Агар ўғилларимдан қайси бирови салтанат мартабасига даъвогарлик қилиб бош кўтарар экан, уни уриб-сўкиб, ўлдиришга ёки мучасидан бирон жойини камайтиришга ҳеч ким жўраст қилмасин, лекин уни кўз тагида сақласинларки, токи ўз даъвосидан қайтсин ва тангри таолонинг мулкида фасод чиқмасин.

х х х


Давлат ичида талай олчоқ, ёмон одамлар бордурки, давлат душманларини яхшилаб, унинг жой фидоларини турли макр-ҳийлалар билан хароб қиладилар. Буларнинг мақсадлари салтанат қўрғонига раҳна солишдир.

х х х

Ғаразгўй, бузуқи ва ҳасадгўй одамларнинг вазирлар ҳақидаги уйдирмаларини эшитмасинлар, чунки бу табақадаги кишиларнинг душмани кўп бўлади, негаки, олам аҳлининг барчаси дунёталабдир. Агар вазирлар бундай одамларнинг кўнглига қарасалар, давлатга ҳиёнат қилган бўлурлар, қарамасалар, улар вазирларга душманлик қилурлар.

х х х

Агар доруғалар ва ҳакамлар халққа зулм қилиб, уларни хароб қилган бўлсалар, қилган ишларига лойиқ жазо берилсин. Агар бирор кимсанинг гуноҳи исботланмагандан сўнг ундан жарима олсалар, бошқа яна дарра билан урмасинлар. Агар дарра уриш билан жазоласалар, ундан жарима олмасинлар.



Л. ТОЛСТОЙ

ДЕҲҚОННИНГ ҒОЗ ТАҚСИМ ҚИЛГАНИ

Бир камбағал деҳқоннинг ейишга ҳеч вақоси қолмабди. Шунда у хўжайинидан егулик сўрамоқчи бўлибди. Куппа-қуруқ боргиси келмай ғоз тутибди ва уни қовуриб, хўжайинга элтибди. Хўжайин ғозни олиб, дебди: «Келтирган совғанг учун сенга раҳмат, деҳқон, фақат ғозингни қандоқ қилиб тақсимлаймиз дея бошим қотиб турибди. Мана, менинг хотиним, икки ўғил ва икки қизим бор. Ҳеч кимни ҳафа қилмаслик учун ғозни қандоқ тақсимласак экан?»

Деҳқон: «Ўзим тақсимлайман», дебди. Пичоқни олиб, ғознинг калласини кесибди-да, хўжайинга: «Хонадонда ўзинг ҳаммага бошсан, сенга боши бўла қолсин», дебди. Кейин орқасини кесиб, бекага берибди: «Сен хонадонга бош-қош бўлиб туриш учун уйда ўтирмоғинг лозим, сенга орқаси бўлсин». Кейин оёқларини кесиб, ўғилларга узатибди. «От изини той босар деб, сизларга оёғини беряпман». Қизларга эса қанотлари тегибди: «Ҳадемай уйдан учирма бўласизлар, сизларга қанот керак. Менга эса қолгани ҳам бўлаверади!». Шундай деб ғознинг қолганини ўзига олиб қолибди.

Хўжайин кулибди ва деҳқонга галла билан пул берибди.

Ўзига тўқ бир деҳқон хўжайиннинг ғоз учун камбағал деҳқонни галла ва пул билан сийлаганини эшитибди, бешта ғозни қовуриб, хўжайинга туҳфа қилибди.

Хўжайин шундай дебди:

«Ғозларинг учун раҳмат. Аммо менинг хотиним, икки ўғлим ва икки қизим бор, олти жонмиз, ғозларингни қандоқ қилиб теппа-тенг тақсимласак экан?».

Бой деҳқоннинг боши қотибди, аммо ҳеч нима ўйлаб тополмабди.

Хўжайин камбағал деҳқонни айттириб келибди ва ғоз тақсим қилишни буюрибди. Камбағал деҳқон битта ғозни олиб, хўжайин билан бекага бераркан: «Мана, ғоз билан учта бўлдинглар», дебди. Биттасини ўзларига узатибди: «Сизлар ҳам ғоз билан учтасизлар». Биттасини қизларга бериби: «Сизлар ҳам учта бўлдингиз». Ўзига эса иккита ғозни қолдирибди: «Мана биз ҳам ғозлар билан учта бўлдик — ҳаммага теппа-тенг».

Хўжайин кулибди ва камбағал деҳқонга яна пул, галла берибди, бой деҳқонни эса ҳайдаб юборибди.

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги

Бош муҳаррир : Шодмон ОТАБЕК

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Абдувоҳид ЖЎРАБОЕВ Шуҳрат ЖАББОР Анатолий КУДИНОВ

Иззат АҲМЕДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари) Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ (Масъул котиб) Мирпўлат МИРЗО Рустам ҚОСИМОВ Ёқубжон ХЎЖАМБЕРДИ Бобохон ШАРИФ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:

Бўривой АҲМЕДОВ ОТАУЛИ Саидмаҳмуд АКБАРОВ Шоҳруҳ АКБАРОВ Меҳмонқул ИСЛОМҚУЛОВ Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ Тоғай МУРОД Саид СИДДИҚОВ Нурали ҚОБУЛ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1. ТЕЛЕФОНИМИЗ: 36-36-42, 36-35-29, 44-29-09. ИНДЕКС: 64600 ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Муҳарририятга келган қўлёзмалар (2 ораликда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

Рўйхатга олиш №000011. Буюртма №Г-0536. 7863 нусхада чоп этилди

Офсет усулида босилди. Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

ДУШАНБА, 23

I

Телетомошабинлар диққатига! Профилактика муносабати билан 23 сентябрь куни ЎзТВ I кўрсатувлари соат 6.30 дан 14.05 гача ЎзТВ III канали орқали намойиш этилади.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Эркатой».
18.25 «Фақат қизлар учун».
18.45 «Мозийдан садо».
19.05 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Темурнома».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 «Оҳанглар оғушида».
21.35 «Зарчашма».
21.55 «Морена Клара». Телесериал.
22.40 «Бу оқшом...»
23.15 «Санъат дўстликка чорлайди». Испания таассуротлари.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Нанбахор» — «Дўстлик».
00.40 Тунги тароналар.
00.50 — 01.00 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.35 «Палитра».
19.05 «Услуб». Мода янгиликлари.
19.20 «Клип-антракт».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Камертон».
20.10 «Автосалон».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Мак ва Матли». Қизиқарли дастур.
21.30 «Курьер».
21.50 «Прайм-тайм». Телевидение ҳаётидан.
22.00 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.40 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
23.30 — 00.30 «Спорт қитъаси».

III

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.30 «Хафтанома».

*

8.30 «Қизлар гулдастаси».
9.00 «Табиат—ҳаёт сарчашмаси». Кинодастур.
9.30 «Сизга таъзим». Тележурнал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Илм — ўзликни билмакдир».
10.35 «Усмир ва қонун». Тележурнал.
11.00 «Қора қизқичбақа чангалида». Бадиий фильм.
12.30 «Юрт обод, кўнгиллар шод». Публицистик кўрсатув.
13.00 Ўзбекистон телерадиокомпанияси эстрада-симфоник оркестри концерти.
13.30 «Сиҳат-саломатлик». Тележурнал.
14.00—14.05 Янгиликлар.

***

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Богимизга марҳамат». Телефильм.

*

Россия жамоат телевидениеси
18.10 — 20.35

*

20.35 «Мусиқа ҳақида мулоқот». 1-кўрсатув.

*

Россия давлат телевидениеси
21.00— 21.20

*

21.20 Эълонлар.
21.25 «Янги қўрбон». Телесериал.
22.15—22.20 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Умид чечаклари». Ёшлар учун кўрсатув.
19.25 «Йўлингиз бехатар бўлсин!».
19.55 «Чироқ».
20.05 Эълонлар.
20.10 «Жаҳон».
20.30 Эълонлар.
20.35 «Дўстлик».
20.45 «Бегисен мирас».
21.15 «М» -хабар.
21.25 «Спорт-тайм».
21.55 Эълонлар.
22.00 Тунги сеанс. «Иван Васильевич ўз касбини ўзгартирди». Бадиий фильм.
23.30 — 23.40 «Хайрли тун!».

СЕШАНБА, 24

*

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Одам ва одам». Маърифий кўрсатув.
9.00 «Озода, гўзал ўлкам». Мусиқий дастур.
9.30 «Жарчи». Публицистик кўрсатув.
10.00 Янгиликлар.
10.05 Сурхондарё вилояти «Қуралай» болалар фольклор-этнографик ансамблининг концерти.

Ўқув машғулотлари:

10.30 Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари.
11.00 Инглиз тили.
11.30 Адабиёт.

*

12.00 «Аълиё Лука»нинг қайтиши». Бадиий фильм.
13.30 «Истиқлол самаралари». Телеҳикоя.
14.00 Янгиликлар.
14.05 — 14.45 «Дейишма». Видеофильм. 1-қисм.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Умид учқунлари».
18.30 «Ал-Бишрининг орзу-армонлари». Телесериал.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Темурнома».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари. «Бизнес-академия».
21.20 «Юртим жамоли».
21.40 «Альманах-ТВ».
22.15 «Оҳанглардан тараган меҳр».
22.35 «Замон».
22.45 «Спорт, спорт, спорт».
23.05 Мусиқий саҳват.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.15 — 00.25 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Тропиканка сири». Телесериал.
19.05 «Мультфейерверк».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Постфактум».
20.05 «Нафис мажлислар». Хотин-қизлар учун кўрсатув.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «АРТ-журнал».
21.15 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.55 «Киноингоҳ».
23.35 — 00.20 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Уй ажинасининг қайтиши». Мультфильм.

*

Россия жамоат телевидениеси
6.30—8.00 «Телетонг».

***

18.10—20.35

*

20.35 Эълонлар.
20.40 «Сиз учун куйлайман». Влад Усманов.

*

Россия давлат телевидениеси
21.00—21.20

*

21.20 Эълонлар.
21.25 «Янги қўрбон». Телесериал.
22.15—22.20 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Бумсранг».
19.30 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
20.00 Эълонлар.
20.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.55 «Солиқлар ҳақида сабоқлар».
21.10 «Ғаройиб воқеалар».
21.45 «Спорт-дайджест».
22.15 «Сакура шоҳчаси».
22.45 Долзарб мулоқот.
23.15 Эълонлар.
23.20 «Коллаж». Дам олиш маърифий кўрсатув.
23.45 «Доктор Джудия ва миссис Хайдо». Телесериал (Греция).
00.10 — 00.20 «Хайрли тун!».

ЧОРШАНБА, 25

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 Мусиқий саҳват.
8.45 «Ипак йўли — дўстлик йўли». Публицистик кўрсатув.
9.15 Футбол майдонларида.
9.50 Дикқат, премьера: «Орзулари бисёр аслиннг». Ўзбектелефильм» махсулоти.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Пахтани ёнгиндан сақланг!».

Ўқув машғулотлари:

10.30 Табиият.
11.00 Алифбо сабоқлари.
11.30 Кимё.

*

12.00 «Ссвишганлар». Бадиий фильм.
13.20 «Умрим таронази». Нормурод Нарзуллаев.
13.50 «Танафўус». Мультфильм.
14.00 Янгиликлар.
14.05—14.45 «Дейишма». Видеофильм. 2-қисм.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Чамандаги гулларимиз».
18.25 «Бу ёруг оламда Ватан биттадир...».
18.40 «Адолат». Публицистик кўрсатув.
18.45 «Зилол». Фольклор-этнографик жамоаларининг телефестивали.
19.05 «Сайёрамиз садоси». Публицистик кўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Темурнома».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 «Оҳанглар оғушида».
21.30 «Ранглн дунё».
21.45 «Морена Клара». Телесериал.
22.30 «15 дақиқа спорт ҳақида».
22.45 «Антеолам».
23.00 «Адашлар».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.25—00.35 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.35 «Табиат дунёси».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Дунё бўйлаб...»
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Дриблинг».
21.25 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
22.55—23.55 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Бўсунинг кузги жилолари». Телефильм.

*

Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00 «Телетонг».

***

18.10—20.35

*

20.35 «Мусиқа ҳақида мулоқот». 2-кўрсатув.

*

Россия давлат телевидениеси
21.00 — 21.20

*

21.20 Эълонлар.
21.25 «Янги қўрбон». Телесериал.
22.15 — 22.20 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Ўзбекистон муштарак».
18.50 «Мультқарусель».
19.05 Эълонлар.
19.10 «Саноқ боши».
19.30 «IV канал эксклюзиви».
20.00 «Экология ва ҳаёт».
20.30 «Кўнгил кўприклари».
21.00 «Тошкентнома».
21.30 Эълонлар.
21.35 «Жонли тил».
22.35 «Тошкент оқшомида».
23.05 «16 вилоят». Немислар шарҳи.
23.25 «Юлдузлар жилоси».
23.45 Эълонлар.
23.50 — 24.00 «Хайрли тун!».

ПАЙШАНБА, 26

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Адашлар».
9.00 «Бугуннинг ўйлари». Публицистик кўрсатув.
9.25 «Оналар мактаби». Тележурнал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Қувноқлар даврасида».

Ўқув машғулотлари:

10.30 Янги алифбони ўрганамиз.
11.00 «Китоб ва ҳаёт».
11.30 Умумий биология.

*

12.00 «Қайлик ўтирлаш». Бадиий фильм.
13.10 «Ҳуқуқий давлат сари».
13.30 Бухоро филармонияси мақомчилар ансамблининг концерти.
14.00 Янгиликлар.
14.05 — 14.45 «Дейишма». Видеофильм. 3-қисм.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Болажон».
18.30 «Кўзгудаги акс».
18.45 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
19.00 «Ақшиядор дугани».
19.10 «Дилнавоз садолар».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Юзма-юз». Мулоқот.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари».
21.10 «Мутойиба». Пайшанба ҳазиллари.
21.45 «Одобнома».
21.55 «Олтин мерос». Ўйғун. «Збўнинсо». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.15 — 00.25 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.25 «Тропиканка сири». Телесериал.
19.15 «Сизнинг имконият».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Ҳуқуқийлаштириш: қадам-бақадам».
20.15 «Уйинчоқлар растаси».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Видеогид».
21.15 «Бизнес-уик».
21.30 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.10 «Киноингоҳ».
23.50 — 00.20 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Ез оқшоми». Кинолавҳа.

*

Россия жамоат телевидениеси

6.30—8.00 «Телетонг».

***

18.05—20.35

*

20.35 «Шоҳсупа сари».

*

Россия давлат телевидениеси
21.00—21.20

*

21.20 Эълонлар.
21.25 «Янги қўрбон». Телесериал.
22.10 — 22.15 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Дурдаршан» телекомпанияси кўрсатувлари.
19.30 «Менинг маҳаллам».
20.00 Эълонлар.
20.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.55 «Клип-антракт».
21.10 «Каталог».
21.25 «02» тўлқинида.
21.40 «Эколог-коктейль».
22.10 «Уммонэз Британия».
22.35 Эълонлар.
22.40 «Клип-антракт».
22.45 «Ирэндек».
23.15 Эълонлар.
23.20 — 23.30 «Хайрли тун!».

ЖУМА, 27

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Юзма-юз». Мулоқот.
8.45 «Асрлар нидоси». Кинодастур.
9.20 «Кўшиқ дамлари. Шайпондаги учрашувлар.
9.50 «Иванко ва қароғалар шоҳи». Мультфильм.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Умр мазмуни». Телеочерк.
10.25 Немис тили.
10.55 Кекса санъаткорлар концерти.
11.20 «Душанбагача бир гап бўлар». Бадиий фильм.
13.00 «Бола бошидан...». Мактабгача тарбия масалалари.
13.30 Дикқат, премьера: «Мусиқа бўстони». «Ўзбектелефильм» махсулоти.
14.00 Янгиликлар.
14.05 — 14.35 «Хаммаси маҳалладан бошланади». Публицистик кўрсатув.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Синфдош».
18.30 «Мутолаа».
18.45 Бизнес ҳафта якунлари.
18.55 «Тақдим».
19.05 «Нигит омон бўлса...».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Темурнома».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.25 «Ривоят».
21.35 «Эртага — шанба».
22.00 «Морена Клара». Телесериал.
22.45 «Маслаҳат».
23.00 «Офарин».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Бизнес ҳафта якунлари.
00.05 Тунги тароналар.
00.15 — 00.25 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Мультдаста».
9.25 «Ғазият шифохонаси».
9.35 Дилором наволар.
9.45 «Таманно».
9.55 Видео янгиликлари.
10.20 Видео — «О».
12.00 — 14.00 «Спорт қитъаси».

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Бор эканда, йўқ экан...».
18.35 «Кинохроника».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Компьютер-Осиё».
20.15 «Уйинчоқлар растаси».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Сиздан ишорат».
21.40 «Ракурс».
22.00 «Камолот».
22.20 Хит-парад ва Эълонлар.
23.00—23.30 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Типратикан, ит ва Нико». Мультфильм.

*

Россия жамоат телевидениеси
6.30 - 8.00 «Телетонг».

***

18.15 - 20.35

*

20.35 «Мусиқа ҳақида мулоқот». 3-кўрсатув.

*

Россия давлат телевидениеси
21.00—21.20

*

21.20 Эълонлар.
21.25 «Янги қўрбон». Телесериал.
22.20 — 22.25 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Умид чечаклари».
19.30 «Билиб қўйган яхши».
19.55 Эълонлар.
20.00 «Утмишсиз келажак йўқ». Манзарали фильм.
20.30 «Самарқанд жилолари».
20.40 «Юлдузлар туркуми».
21.10 Эълонлар.
21.15 Араб эстрадаси.
21.45 Кулги миллат танламайди. «Император ҳузурида мсҳмонда». Кинокомедия («Коламбия пикчерс», АҚШ).
22.20 Эълонлар.
22.25 «Мусиқий меҳмонхона».
22.55 Эълонлар.
23.00 «Уй остонадан бошланади».
23.30 — 23.40 «Хайрли тун!».

ШАНБА, 28

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Тараннум». Мусиқий дастур.
9.05 «Бинафшаранг шар». Бадиий фильм.
10.20 «Сахна ҳаёти». Амир Темурнинг 660 йиллигига бағишланади.

«Ёшлик» студияси намойиши этади:

10.50 «Мулоҳаза, мунозара ва муносабат».
11.30 «Газалхон ёшлигим».
11.50 «Оқибат».
12.10 «Атланта учрашувлари». Бокс.
12.35 Эстрада тароналари.
13.05 «Дилдаги гаплар».
13.55 — 14.55 «Маъмоният» видеоканали.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун кўрсатув. «Совға».
18.20 «Одам».
18.35 «Сир».
18.45 «Минг бир қунар соҳиблари».
18.55 «Бир қўшиқ тугагунча...».
19.10 «Қайрат».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Оҳанглар оғушида».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 «Кўнгил».
21.40 «Баҳор»нинг янги баҳори».
22.10 «Ранглни дунё».

«Тунги ёлдуз». Дам олиш дастури:

22.35 «Заковат».
22.45 «Имкон чўққилари».
23.00 «Фор одамлари». Бадиий фильм.

II

9.00 «Бор эканда, йўқ экан...».
9.20 «Кинохроника».
10.10 «Компьютер-Осиё».
10.30 «Уйинчоқлар растаси».
10.40 «Сиздан ишорат».
11.20 «Ракурс».
11.40 «Камолот».
12.00 Видео — «О».
13.40 — 14.40 «Спорт қитъаси».

* * *

18.00 «Бугуннинг боласи».
18.20 «Жозиба».
18.30 Эълонлар.
18.35 «Норизо ва ношукурлар» туркуми-дан. Телесериал.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Дубляж».
20.10 «Тошкентнома».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.

«Шанба оқшоми». Дам олиш дастури:

21.00 «Зиндаги ёхуд муҳаббат».
21.25 «Алмисоқдан қолган дўкон».
21.35 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.15 — 23.55 Видео — «О».

III

17.10 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.

*

Россия жамоат телевидениеси
17.20 - 21.40

*

21.40 Эълонлар.
21.45 «Спрут».Телесериал.

*

Россия давлат телевидениеси

22.45 - 23.15

*

23.15 — 23.35 «Мовий қуш». Телефильм.

IV

9.00 Шанба эртаги.
10.00 «Дийдор».
10.30 «Айчурек».
11.00 «Рангинкамон».
11.30 Эълонлар.
11.35 «Комедиантлар».
11.45 «КВН-96».
13.10 — 14.40 Кинонинг олтин асри. «Анжелика — фаришталар маркизаси». Бадиий фильм.

***

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Шанба оқшомида».
19.10 «Олам ва одам».
19.35 Эълонлар.
19.40 «Бсш дақиқа ўзим учун». Фойдали маслаҳатлар.
19.50 «Клип-антракт». Фредди Меркюри.
19.50 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.50 «Доктор Джулия ва миссис Хайдо». Телесериал.
21.15 Эълонлар.
21.20 «Спорт-дайджест».
21.50 «Рақслар қанотида».
22.20 «Эсдалик учун дастхат».
22.45 Эълонлар.
22.50 Кинонинг олтин асри. Робер Оссейн ва Мишель Мерсье «Анжелика ва қирол» фильмида.
00.15 — 00.25 «Хайрли тун!».

ЯКШАНБА, 29

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 Санъат усталарининг концерти.
11.30 «Шахрисабзнинг охирги туни». Бадиий фильм.
12.55 «Фарзанд — умид юлдузи».
13.20 М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 9-кўй.
14.00 «Ташриф». Дам олиш дастури.
14.30 — 15.30 «Нурли келажак». Видеоканал.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Ота» сайёраси.
18.15 «Ал-Бишрининг орзу-армонлари». Телесериал.
19.05 «Келгуси ҳафтада».
19.20 «Оҳанглар оғушида».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Юлдузлар».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Хафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Буюк келажак сари».
21.25 Ижтом сатрлари.
21.30 «Бу мунис лаҳзалар».
21.50 «Шарқ ва ғарб».
22.15 Дикқат, премьера: М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 10-кўй.
22.55 Футбол олами.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Хафтанома».
24.00 «Келгуси ҳафтада».
00.15 Тунги тароналар.
00.25 — 00.35 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Бутуннинг боласи».
9.20 «Жозиба».
9.30 «Дубляж».
9.45 «Тошкентнома».
10.00 «Зиндаги ёхуд муҳаббат».
10.25 «Алмисоқдан қолган дўкон».
10.35 Видео — «О».
12.15—14.00 «Спорт қитъаси».

* * *

18.00 «Мухлис ТВ-2».
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мульти-пульти».
18.40 Табиат шифохонаси».
18.50 «Дилором наволар». Мусиқий дастур.
19.00 «Таманно».
19.10 «Дармон».
19.20 Якшанба лаҳзаси.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 Видео янгиликлари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Хафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Норизо ва ношукурлар» туркуми-дан. Телесериал.
21.50 Оҳанглар оғушида. Эълонлар.
22.20 «Мухлис ТВ-2».
22.30 «Даракчи».
22.40—00.10 Видео — «О».

III

18.10 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.

*

Россия жамоат телевидениеси
18.20 - 20.35

*

20.35 Эълонлар.
20.40 «Спрут». Телесериал.
23.00 — 23.25 «Панорама».

IV

9.00 «Эй, тонгингиз хайрли бўлсин!».
9.30 «Ўзбекистон янгиликлари (инглиз тилида).
9.40 Эълонлар.
9.45 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
11.15 «Дурдаршан» телекомпанияси кўрсатувлари.
11.45 «Парлс ну франса?».
12.15 «Жонли сайёра».
12.45 Афсона ва ҳақиқат. «Велосипед тарихи». Ҳужжатли фильм.
13.15 «Клип-антракт».
13.25 «Иштирок этувчилар». Б. Ёқубов.
13.55 Ёшлар учун мусиқий дастур.
14.15 «Кинография». Жаҳон кинематографияси янгиликлари.
14.45 Киносалон. «Олишув». Бадиий фильм.
16.50 Мультэкран.
17.10 «Телеташирф».
17.20 «Мультқарусель».
17.50 Эълонлар.
17.55 «Клип-антракт».

*

18.10 — 19.45 Туркия телевидениеси.

*

19.45 «ТВ IV да сени кун».
20.00 Афсона ва ҳақиқат. «Монстр». Ҳужжатли фильм.
20.30 «Кинография». Жаҳон кинематографияси янгиликлари.
21.00 Эълонлар.
21.05 «Туризм-ревю».
21.35 «Иштирок этувчилар». З. Мусаков.
22.05 Эълонлар.
22.10 «Сенинг давринг».
22.40 Киносалон. Шон Пен «Безори» фильмида.
00.15 — 00.25 «Хайрли тун!».

(«Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз» теледастуридан олинди).